

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/31.10.2024.Tib.102.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАНСУРОВ ДЖАЛОЛИДИН ШАМСИДИНОВИЧ

**ТИЗЗА БЎҒИМИ ОСТЕОАРТРИТИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРНИ
МУЛТИДИСЦИПЛИНАР ДАВОЛАШ ВА ТИББИЙ РЕАБИЛИТАЦИЯ
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.12-Тиббий реабилитология
14.00.22-Травматология ва ортопедия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд-2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract Doctor of Science (DSc)

Мансуров Джалолидин Шамсидинович

Тизза бўғими остеоартрити бўлган беморларни

мултидисциплинар даволаш ва тиббий

реабилитация усулларини такомиллаштириш 3

Мансуров Джалолидин Шамсидинович

Совершенствование методов мультидисциплинарного

лечения и медицинской реабилитации пациентов

с остеоартритом коленного сустава 26

Mansurov Djalolidin Shamsidinovich

Improvement of Multidisciplinary Treatment

and Medical Rehabilitation Methods in Patients

with Knee Osteoarthritis 48

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

..... 53

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/31.10.2024.Tib.102.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАНСУРОВ ДЖАЛОЛИДИН ШАМСИДИНОВИЧ

**ТИЗЗА БЎҒИМИ ОСТЕОАРТРИТИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРНИ
МУЛТИДИСЦИПЛИНАР ДАВОЛАШ ВА ТИББИЙ РЕАБИЛИТАЦИЯ
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.12-Тиббий реабилитология
14.00.22-Травматология ва ортопедия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2025.1.DSc/Tib999 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд Давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-соҳифасида (www.sammu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Сайганов Сергей Анатольевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ткаченко Александр Николаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юлдашева Гулчехра Рустамовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Соболев Андрей Валентинович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Асилова Саодат Убаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Россия Федерацияси Меҳнат ва ижтимоий
химоя вазирлиги қошидаги "Григорий
Александрович Албрехт номидаги
ногиронларни реабилитация қилиш федерал
илмий маркази" федерал давлат бюджет
муассасаси.**

Диссертация химояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.04/31.10.2024.Tib.102.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2025 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100100, Самарқанд ш., Амир Темура кўчаси 18-уй, 2.Тел/факс: (+998662330766) 2330766, e-mail: sammu@sammu.uz)

Диссертацияси билан Самарқанд давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Самарқанд ш., Амир Темура кўчаси 18-уй, 2.Тел/факс: (+998662330766) 2330766

Диссертация автореферати 2025 йил «__» _____ да тарқатилди.

(2025 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.А. Ярмахамедова

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Ж.А. Исмаилов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

С.Э. Мамараджабов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

КИРИШ (фан докторлик (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Тизза бўғими остеоартрити (ТБОА) бўғимларнинг энг кенг тарқалган дегенератив касалликларидан бири ҳисобланади. У бўғим тоғайининг аста-секин емирилиши, оғриқ синдроми ва бўғим функциясининг пасайиши билан характерланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, 2019 йилда остеоартрит билан касалланган одамлар сони 528 миллионга яқин бўлган, бу 1990 йилга нисбатан 113 фоизга кўпдир. Энг кўп ҳолларда тизза бўғимлари зарарланади ва бу 365 миллион ҳолатни ташкил этади. Башоратларга кўра, 2050 йилга келиб тизза бўғими остеоартрити билан касалланиш ҳолатлари 75 фоизга ошади.¹

Жаҳонда реабилитация жараёнини такомиллаштириш учун телереабилитация, роботлаштирилган физиотерапия, вакуум ва криотерапия, балнеотерапия, шунингдек биообратная связь (biofeedback) каби усуллар кенг жорий этилмоқда. Масалан, Швеция ва Канадада физиотерапиянинг AR/VR платформалари орқали олиб борилиши самарадорлигини оширган. ТБОАни даволашда оғриқни бошқаришда Парацетамол, NSAID, вискосуплементация (гиалурон кислотаси инъекциялари), PRP ва хужайра терапиялари қўлланилмоқда. Аммо жаҳон тажрибасида дорилардан ташқари, ҳаёт тарзини ўзгартириш ҳам оғриқни камайтиришда муҳим рол ўйнайди. ТБОАга чалинган беморларда депрессия ва ижтимоий изоляция кўп учрайди. Шу сабабли, психологик ёрдам ва беморларни хабардор қилиш дастурлари (self-management education) жаҳон амалиётида кенг қўлланилмоқда. Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, ТБОАни фақат дори ёки жарроҳлик орқали эмас, балки мултидисциплинар, комплекс ва давомли реабилитацион ёндашув асосида даволаш беморнинг ҳаёт сифатини яхшилайти ва жарроҳлик эҳтиёжини кечиктиради. Шунинг учун, ТБОАни даволашда бир неча мутахассисларни жалб қилган ҳолда фаол ва узлуксиз реабилитация дастурларини ишлаб чиқиш – бугунги куннинг долзарб йўналишларидан ҳисобланади (ULAR (Европа Ревматология Жамияти) 2023 йилги тавсиялари).

Ўзбекистон Республикасида тизза бўғими остеоартритини ташхислаш ва даволашга катта эътибор қаратилмоқда. Травматология ва ортопедия илмий-тадқиқот институти мураккаб тиклов операцияларини, жумладан йирик бўғимларни эндопротезлашни амалга оширмоқда, шунингдек тизза бўғими артрози ва артрит асоратларини даволаш билан шуғулланмоқда. Шу билан бирга, ОАКС билан оғриган беморларни эрта ташхислаш, консерватив даволаш ва реабилитация қилиш усулларини такомиллаштириш зарурати мавжуд. Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш, тиббиётни жаҳон андозаларига мувофиқлаштириш, шу жумладан операциядан кейинги асоратларни эрта аниқлаш, даволаш ва олдини олиш бўйича муайян чора-тадбирлар амалга

¹ ЖССТнинг остеоартрит бўйича маълумоти // 2023 йил 14 июль (<https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/osteoarthritis>)

оширилмоқда. Бу йўналишда 2022-2026 йилларга мўлжалланган "Янги Ўзбекистон" тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ "...бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизимида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини ошириш..."² каби вазифалар белгиланган.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, жарроҳлик амалиётларидан кейинги реабилитация жараёнини таҳлил қилиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармонида белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади. Шунингдек, у Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон "Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 июлдаги 449-сон "Ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги, 2018 йил 18 декабрдаги 970-сон "Юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари ҳамда ушбу соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ҳам хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.

Ушбу диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI "Тиббиёт ва фармакология" устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³.

Жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари тизма бўғими остеоартрити билан оғриган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш ва реабилитацияни ташкил этишни такомиллаштириш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб бормоқда. Бу тадқиқотлар тикловчи даволашнинг замонавий усуллари, физиотерапия, ортопедик тузатиш ва минимал инвазив аралашувларни жорий этишга қаратилган. Тизма бўғими остеоартрити билан оғриган беморларни реабилитация қилиш жараёнида радиологик технологияларни қўллашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу технологиялар касаллик кечишини янада аниқроқ баҳолаш, даволаш

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида"ги Фармони

³ Диссертация мавзуси бўйича чет эл илмий тадқиқотлари шарҳи веб-сайтлар асосида тайёрланган. www.washington.edu, www.ku.edu, www.atlantaoralpathology.com, www.univr.it, www.unipv.it, www.uksh.de, www.keio.ac.jp, www.ico.gencat.cat, www.uoa.gr, www.ufsc.br, www.yonsei.ac.kr, www.sydney.edu.au, www.jazanu.edu.sa, www.rims.edu.in, www.rnioi.ru, www.cancercenter.uz, www.toshvilonko.uz.

самарадорлигини назорат қилиш ва даволаш усуллари мослаштириш имконини беради. Ушбу илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва университетларида олиб борилмоқда, жумладан: Hospital for Special Surgery (АҚШ), Mayo Clinic (АҚШ), University of Pittsburgh Medical Center (АҚШ), Charité - Universitätsmedizin Berlin (Германия), Robert Koch Institute (Германия), Institute for Quality and Efficiency in Health Care (Германия), National Institute for Health and Welfare (Финляндия), Торонто университети (Канада), McGill университети Соғлиқни сақлаш маркази (Канада), Оксфорд университети (Буюк Британия), Пиза университети (Италия), И.М. Сеченов номидаги Биринчи Москва давлат тиббиёт университети (Россия), Санкт-Петербург тиббиёт университетининг дипломдан кейинги таълим академияси (Россия), Самарқанд давлат тиббиёт университети (Ўзбекистон).

Тиббий хизматлар сифати ва самарадорлигини клиник-иқтисодий баҳолаш методологияси Германиянинг Institute for Quality and Efficiency in Health Care томонидан ишлаб чиқилган. Бу методология тизза бўғими остеоартритида консерватив даволаш, жарроҳлик амалиётлари ва реабилитациянинг функционал натижаларга таъсирини ўрганишга бағишланган кўп марказли тадқиқотлар доирасида яратилган. Ушбу тадқиқотларга OARSI (Osteoarthritis Research Society International), ESCAPE-knee pain, KORDS (Knee Osteoarthritis Rehabilitation and Disease Study) лойиҳалари киради. Шунингдек, методология Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), Халқаро Қизил Хоч кўмитаси (ICRC), ЮНИСЕФ (UNICEF), Халқаро реабилитация федерацияси (RI - Rehabilitation International), БМТ Тараққиёт дастури (UNDP), Handicap International (HI), Save the Children, Christian Blind Mission (CBM) ва Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) каби халқаро ташкилотларнинг дастурлари доирасида ҳам ривожлантирилган.

Жаҳон миқёсида реабилитация марказларида ташхис қўйиш ва даволашни такомиллаштиришнинг қуйидаги устувор йўналишларида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: тизза бўғими остеоартрити билан оғриган беморлар учун индивидуал реабилитация стратегияларини ишлаб чиқиш; стационар ва амбулатор шароитларда турли реабилитация усуллари самарадорлигини клиник-иқтисодий жиҳатдан асослаш, шу жумладан радиологик ва физиотерапевтик ёндашувларни уйғунлаштириш; бўғимларнинг дегенератив касалликлари билан оғриган беморларга ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатиш тизимида ташкилий, даволаш-профилактика ва реабилитация тадбирларини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги ўн йилликларда реабилитологиянинг ривожланиши техник воситаларни такомиллаштириш билан чамбарчас боғлиқ бўлди. Янги давр анатомиясининг тараққиёти натижасида бўғимлар механикасини тушуниш пайдо бўлди, бу эса дастлабки реабилитация усуллари яратишга туртки бўлди. XX асрда эътибор меъёрланган жисмоний юкламалар, кинезитерапия ва ортопедик

мосламалар ёрдамида бўғим фаолиятини тиклашга қаратилди. XXI асда реабилитация шифокорлар, физиотерапевтлар ва эрготерапевтлар иштирокидаги кўп тармоқли ёндашувни ўз ичига олади, бу эса технологиялар ва индивидуал протоколларнинг уйғунлашувини таъминлайди.

Сўнгги ўн йилликда тизза бўғими остеоартритини реабилитация қилиш рақамли технологиялар ва шахсийлаштирилган тиббиёт туфайли сезиларли ўзгаришларга учради. 2015 йилдан бошлаб фаоллик, кадамлар сони, ҳаракат амплитудаси ва оғриқни реал вақт режимида кузатувчи мобил иловалар ва тақиладиган қурилмалар жадал ривожланмоқда. Клиник амалиётга 3D моделлаштириш, индивидуал ортезлар, шунингдек, реабилитация натижаларини башорат қилишда сунъий интеллектга асосланган протоколлар жорий этилмоқда. Эндопротезлашдан кейинги реабилитация ERAS (Жарроҳликдан кейин тезлаштирилган тикланиш) концепцияси туфайли қисқароқ ва самаралироқ бўлди. Беморга йўналтирилган ёндашувлар ва масофавий платформалар мутахассисга доимий таъриф буюрмасдан машқларни назорат қилиш ва тузатиш имконини бермоқда.

Ўзбекистонда тизза бўғими остеоартрити реабилитациясининг ривожланиши нафақат травматологлар, балки тиббий реабилитация соҳасидаги етакчи мутахассислар билан ҳам боғлиқ. М.Э. Ирисметов гонартрозни тиклаш даволашига комплекс ёндашув таклиф этган бўлса (2019), Х.А. Нуралиев операциядан кейинги иммунитетни кўллаб-қувватлаш орқали контрактураларни бартараф этиш усулларини ишлаб чиққан (2020). Болалар ортопедиясига А.М. Жўраев салмоқли ҳисса қўшган (2017). Реабилитологлар орасида беморнинг ёши ва касаллик босқичига мослаштирилган даволовчи жисмоний тарбия, кинезиотерапия ва физиотерапия усулларини жорий этган мутахассисларни алоҳида таъкидлаш лозим. Травматологлар ва реабилитологларнинг ҳамкорликдаги сабъ-ҳаракатлари натижасида клиник самарадорлиги исботланган самарали тикланиш протоколлари яратилди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ҳам, бутун дунёда ҳам тизза бўғими остеоартрити билан оғриган беморларни даволаш ва реабилитация қилишнинг умум эътироф этилган стандартлари мавжуд эмас. Бу эса реабилитация методологиясини тўлақонли баҳолаш имконини бермайди. Мазкур ҳолат бундай беморларнинг тиббий имкониятлари ва ижтимоий эҳтиёжларини янада чуқурроқ ўрганиш ва такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади, шунингдек, ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва муҳимлигини тасдиқлайди. Юқорида келтирилган маълумотлар ортопедия ва реабилитация марказларига замонавий инновацияларни жорий этиш бугунги тиббиётнинг ҳал этилмаган долзарб муаммоларидан бири эканлигини исботлайди.

Диссертация тадқиқотининг олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий-тадқиқот режасига мувофиқ

"Ижтимоий аҳамиятли юқумли ва юқумсиз касалликларни олдини олиш, ташхислаш ва даволашнинг замонавий технологияларини ишлаб чиқиш" илмий йўналиши доирасида амалга оширилди (давлат рўйхат рақами 012400288).

Тадқиқот мақсади: консерватив, жарроҳлик ва реабилитация усулларини комплекс қўллаш стратегиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш орқали тизза бўғими остеоартритини индивидуал даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

Республика бўйича бўғимларнинг дегенератив-дистрофик касалликларининг тарқалишини таҳлил этиш.

Тизза бўғими остеоартрити билан хасталанган беморларда консерватив даволаш ва реабилитациядан кейинги узоқ муддатли функционал натижаларни ўрганиб чиқиш.

Операциядан олдинги реабилитацияни олган беморлар улушини аниқлаш ҳамда унинг тизза бўғими остеоартритини жарроҳлик йўли билан даволашнинг функционал натижаларига, жумладан эндопротезлаш ва артроскопик аралашувларга таъсирини белгилаш.

Тизза бўғими остеоартритини ташхислашда тизза бўғими тузилишининг морфологик хусусиятлари ролини баҳолаш.

Тажрибада патологик жараённинг дастлабки босқичларида тизза бўғими остеоартрити патогенезининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш.

Тизза бўғими остеоартрити билан оғриган беморларни кўп соҳали даволаш ва реабилитациясига табақалаштирилган ёндашув алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тизза бўғими остеоартрити билан оғриган беморларни индивидуал даволаш стратегиясини, шу жумладан артрология реабилитация марказини ташкил этиш орқали такомиллаштириш.

Тадқиқот объекти: тадқиқотга бешта клиник кузатув гуруҳи киритилди. Биринчи гуруҳ Ўзбекистон Республикаси катта ёшли аҳолиси орасида остеоартрит тарқалиши бўйича шахссизлаштирилган маълумотларни ўз ичига олди. Иккинчи гуруҳга 2015-2019 йилларда тизза бўғимини бирламчи тўлиқ эндопротезлаш (ТБЭ) ўтказилган, узоқ муддатли функционал натижалар ва ҳаёт сифати баҳоланган 996 нафар бемор киритилди. Учинчи гуруҳга шу йилларда стационар консерватив даволанган 136 нафар бемор киритилди. Тўртинчи гуруҳ артроскопик амалиётларни бошдан кечирган 235 нафар бемордан иборат бўлди. Бешинчи гуруҳ 2022 йилда операция қилинган 237 нафар беморни ўз ичига олди, улардан 40 нафарда дўнглар морфологик текширувдан ўтказилди.

Тадқиқот предмети: кузатувлар, сўровномалар, компьютер маълумотлар базаларини таҳлил қилиш, математик ва статистик усуллар (Каплан-Маер усули), клиник ва статистик тадқиқотлар.

Тадқиқот усуллари: қуйидаги усуллардан фойдаланилди: беморларни текширишда клиник маълумотларни тўплаш, лаборатория

текширувлари, рентгенография, компьютер томографияси, магнит-резонанс томография, ультратовуш диагностикаси ва маълумотларни статистик қайта ишлаш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

илк бор остеоартрит билан оғриган беморларда тизза бўғимини эндопротезлашдан кейинги узок муддатли клиник натижалар таҳлил қилиниб, прогнозлаш имконини берадиган моделининг аҳамияти асосланган;

остеоартритни комплекс даволашда консерватив, органосақловчи ва эндопротезлаш усуллари бир-бири билан интеграция қилиш орқали даволаш самарадорлигини ошириш ва асоратларни камайтиришга хизмат қиладиган индивидуаллаштирилган ва мултидисциплинар ёндашув асосланган;

илк бор хирургик амалиётдан олдинги ва кейинги даврда реабилитация тадбирларининг самарадорлиги кенг кўламда таҳлил қилиниб, узлуксиз ва мақсадли реабилитация функционал тикланишга босқичма-босқич ва индивидуал ёндашув таъминланганлиги туфайли эндопротезлаш натижаларини яхшилашга олиб келиши исботланган;

илк бор остеоартрит билан оғриган беморлар синовиал суюқлигини лаборатория ҳайвонларида патологик ўзгаришларни индукция қилиши орқали унинг тоғай тўқимаси емирилиши ва яллиғланиш жараёнларига таъсир кўрсатувчи биологик фаол моддалар манбаи сифатидаги патогенетик аҳамияти аниқланган;

мультидисциплинар ёндашувга асосланган реабилитация марказини ташкил этиш ва беморлар учун хизматлар ўртасидаги узвий боғланишни таъминлаш бўғим функциясини тиклаш, асоратлар ва қайта касалланиш ҳолатларини камайтиришда комплекс ёндашувнинг юқори самараси ҳамда функционал натижалар 72% дан 88% гача гача ортиши илмий асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олиб борилган тадқиқотлар тизза бўғимлари остеоартрити билан оғриган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифати ва қулайлигини ошириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берган;

тадқиқотлар натижасида идиопатик ва посттравматик остеоартритда эндопротезлашнинг яқин ва узок муддатли натижалари Каплан-Маер статистик усуллари ёрдамида таҳлил қилинган. Эндопротезлаш жарроҳлик амалиёти ўтказилган тизза бўғимлари остеоартрити билан оғриган беморларнинг қониқарсиз функционал натижалар ривожланиши ва ҳаёт сифати ёмонлашиши учун хавф омиллари аниқланган;

алгоритмни ҳисобга олган ҳолда тизза бўғимлари остеоартритида эндопротезлашнинг узок муддатли натижаларини баҳолаш ўтказилган. Тизза бўғимлари остеоартрити билан оғриган беморларни даволашда фанлараро ёндашув алгоритми ўзини оқлаши аниқланган. Агар тизза бўғими артропластикаси беморларни операцияга танлаш мезонларини ҳисобга олмаган ҳолда амалга оширилса, беш йил ичида қониқарсиз натижалар 27,8% ҳолларда кузатилган. Математик модель асосида

прогнозлаш ва ўз вақтида мақсадли профилактика ҳамда реабилитация қилиш уларнинг частотасини 11,3% гача пасайтириш имконини берган;

кундалик амалиётда замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда тизза бўғими остеоартрити билан оғриган беморларни текшириш, даволаш ва реабилитация қилиш алгоритмини қўллаш мултидисциплинар консерватив ва аъзони сақлаб қолувчи жарроҳлик даволашни амалга ошириш ҳамда реабилитация тадбирлари мажмуасини ўтказиш имконини беради. Бу эса тизза бўғимлари остеоартрити билан оғриган беморларни даволашнинг беш йиллик аъло ва яхши натижаларини 72,2% дан 88,7% гача яхшилайти.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий ёндашувлар ва усуллардан фойдаланилганлиги, тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғри ўтказилганлиги, кузатувлар сонининг етарлилиги, бир-бирини тўлдирувчи кузатувларнинг мавжудлиги, қиёсий ва статистик тадқиқот усулларининг қўлланилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг ваколатли органлар томонидан тасдиқланган халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланиши орқали тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, тизза бўғими остеоартрити билан оғриган беморлар учун илк бор прогностик омилларни баҳолаш, салбий оқибатлар эҳтимолини математик моделлаштириш, ҳамда консерватив ва жарроҳлик усуллари ўртасида оқилона танлов мезонларини ўз ичига олган даволашга шахсийлаштирилган мултидисциплинар ёндашув алгоритми асосланган ва ишлаб чиқилган. Ушбу иш остеоартритнинг кечиши қонуниятлари, операциядан олдинги тайёргарлик ва реабилитация чора-тадбирларини интегратсиялашнинг аҳамияти ҳақидаги тушунчаларни кенгайтиради, бу эса клиник қарорларнинг илмий асосланганлик даражасини ошириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, улар асосида ЎАКС бўлган беморларда даволаш тактикасининг самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилади. Алгоритмни яратиш ва жорий этиш даволаш натижаларини олдиндан айтиш ва оптимал даволаш стратегиясини асосли равишда танлаш имконини беради. Бу қониқарсиз натижалар сонини камайтириш, муддатидан олдин ўтказиладиган операцияларни минималлаштириш, беморларнинг функционал натижалари ва ҳаёт сифатини яхшилаш, шунингдек, даволаш ва реабилитация босқичлари ўртасидаги узвийликни таъминлаш имконини яратади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга татбиғи бўйича ягона хулоса 2025 йил 10 апрельдаги 000091 – сонли хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: илк бор остеоартрит билан оғриган беморларда тизза бўғимини эндопротезлашдан кейинги узок муддатли клиник натижалар таҳлил қилиниб, прогнозлаш имконини берадиган моделининг аҳамияти

асосланган. *Илмий аҳамияти:* дастлабки клиник-анамнестик ва функционал маълумотларни ҳисобга олган ҳолда тизза бўғимини тўлиқ эндопротезлашнинг узоқ муддатли натижаларини олдиндан айтиб бериш имконини берувчи тасдиқланган математик моделлар яратилди. *Ижтимоий самарадорлиги:* Даволаш натижаларини эрта башорат қилиш жарроҳлик усулини танлашнинг асослилигини ошириш, қониқарсиз натижалар сонини камайтириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлик:* Башорат моделларидан фойдаланиш самарасиз аралашувлар ва такрорий операциялардан қочиш имконини беради, бу эса ҳар бир бемор учун тўғридан-тўғри харажатларни, шу жумладан такрорий касалхонага ётқизиш, имплантлар ва узайтирилган реабилитация харажатларини ўртача 40-60 миллион сўмга қисқартиради. *Хулоса:* Ишлаб чиқилган башорат моделлари ортопедик аралашувларни режалаштириш жараёнини индивидуаллаштириш ва клиник қарорлар қабул қилиш самарадорлигини ошириш имконини беради. Бу ортопедик жарроҳлик амалиётига башоратли тиббиётни жорий этиш йўлидаги муҳим қадамдир.

иккинчи илмий янгилик: остеоартритни комплекс даволашда консерватив, органосақловчи ва эндопротезлаш усуллари бир-бири билан интеграция қилиш орқали даволаш самарадорлигини ошириш ва асоратларни камайтиришга хизмат қиладиган индивидуаллаштирилган ва мултидисциплинар ёндашув асосланган. *Илмий аҳамияти:* Касалликнинг босқичи, беморнинг функционал ҳолати ва ҳамроҳ омилларга қараб даволашни шахсийлаштириш имконини берувчи фарқли даволаш йўналиши таклиф этилди. *Ижтимоий самарадорлиги:* Индивидуаллаштирилган алгоритмни қўллаш эрта жарроҳлик аралашувлар сонини камайтиради, беморнинг фаол ҳаёт давомийлигини узайтиради ва асоратлар миқдорини пасайтиради. *Иқтисодий самарадорлиги:* Кам харажатли аъзоларни сақловчи ва консерватив усулларни ўз вақтида қўллаш қимматбаҳо эндопротезлашни кечиктириш ёки ундан қочиш имконини беради, бир бемор учун ўртача умумий харажатларни 30-50 миллион сўмга камайтиради. *Хулоса:* Ишлаб чиқилган алгоритм беморни бошқаришнинг барча босқичларида, поликлиникадан то реабилитация марказигача бўлган клиник узлуксизликни таъминлайди. Уни даволаш амалиётига жорий этиш ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва даволаш натижаларини яхшилашга хизмат қилади.

учинчи илмий янгилик: илк бор хирургик амалиётдан олдинги ва кейинги даврда реабилитация тадбирларининг самарадорлиги кенг қўламда таҳлил қилиниб, узлуксиз ва мақсадли реабилитация функционал тикланишга босқичма-босқич ва индивидуал ёндашув таъминланганлиги туфайли эндопротезлаш натижаларини яхшилашга олиб келиши исботланган. *Илмий аҳамияти:* босқичма-босқич реабилитация ва тизза бўғимини тўлиқ эндопротезлашдан кейинги узоқ муддатли функционал натижаларнинг яхшиланиши ўртасидаги исботланган боғлиқлик ўрнатилди. *Ижтимоий самарадорлик:* Узлуксиз реабилитация қониқарсиз натижалар улушини деярли икки баробарга камайтирди (27,8 фоиздан 11,3 фоизгача),

беморларнинг мустақиллигини оширди ва уларнинг кундалик фаолиятга қайтишини таъминлади. *Иқтисодий самарадорлик:* Асоратлар ва такрорий касалхонага ётқизишлар сонининг камайиши кейинги даволаниш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларини камайтириш орқали ҳар бир бемор учун 40-60 миллион сўмгача тежашни таъминлайди. *Хулоса:* Тадқиқот натижалари остеоартритни жарроҳлик йўли билан даволашнинг ажралмас қисми сифатида босқичма-босқич ва узлуксиз реабилитациянинг мақсадга мувофиқлигини тасдиқлайди. Бу эса тўлиқ эндопротезлашда тиббий ёрдам стандартларига реабилитация чораларини киритишни тақозо этади.

тўртинчи илмий янгилик: илк бор остеоартрит билан оғриган беморлар синовиал суюқлигини лаборатория ҳайвонларида патологик ўзгаришларни индукция қилиши орқали унинг тоғай тўқимаси емирилиши ва яллиғланиш жараёнларига таъсир кўрсатувчи биологик фаол моддалар манбаи сифатидаги патогенетик аҳамияти аниқланган. *Илмий аҳамияти:* Синовиал суюқлик таркибий қисмларининг яллиғланиш ва тоғай емирилиши воситачилари сифатидаги роли тажрибада тасдиқланди, бу эса остеоартритни эрта ташхислаш ва мақсадли даволашда янги ёндашувларни очиб беради. *Ижтимоий самарадорлиги:* Остеоартритнинг молекуляр механизмларини тушуниш беморларни аниқроқ таснифлаш ва шахсийлаштирилган даволаш дастурларини ишлаб чиқишга ёрдам беради, бу эса ногиронлик даражасини пасайтириши мумкин. *Иқтисодий самарадорлик:* Синовиал суюқликда биомаркерларни аниқлаш қимматбаҳо асбобий диагностика ва самарасиз даволаш харажатларини камайтиради - ҳар бир бемор учун 25-30 миллион сўмгача маблағ тежалиши мумкин. *Хулоса:* Ушбу тадқиқотлар биринчи марта остеоартритда синовиал суюқлик бўғимда ўзгаришларни келтириб чиқарувчи патоген моддаларни ўз ичига олишини исботлади. Бу янги диагностик тестлар ва фармакологик аралашувларни яратиш истикболларини очади.

бешинчи илмий янгилик: мультидисциплинар ёндашувга асосланган реабилитация марказини ташкил этиш ва беморлар учун хизматлар ўртасидаги узвий боғланишни таъминлаш бўғим функциясини тиклаш, асоратлар ва қайта касалланиш ҳолатларини камайтиришда комплекс ёндашувнинг юқори самараси ҳамда функционал натижалар 72% дан 88% гача гача ортиши илмий асосланган. *Илмий аҳамияти:* алгоритм ҳақиқий клиник шароитларда ўз самарадорлигини исботлади ва тизза бўғими остеоартрити билан оғриган беморларда яхшиланган функционал натижаларни башорат қилиш имконини беради. *Ижтимоий самарадорлиги:* муваффақиятли функционал натижалар улушининг 16 фоизга ошиши ногиронлик даражасини пасайтиради ва меҳнатга лаёқатли ёшдаги беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилайди. *Иқтисодий самарадорлиги:* қониқарсиз натижалар ва такрорий мурожаатлар сонининг камайиши йилига бир бемор учун 40-60 миллион сўмгача маблағни тежаш имконини беради. *Хулоса:* ишлаб чиқилган алгоритм юқори клиник ва прогностик қийматга эга эканлиги аниқланди ва уни ортопедик ҳамда реабилитация муассасалари амалиётига жорий этиш тавсия этилади. Ундан

фойдаланиш остеоартритни даволаш ёндашувларини тизимли равишда такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий тадбирларда тақдим этилган ва муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 38 та илмий иш чоп этилган, шулардан 24 таси журнал мақолалари бўлиб, уларнинг 9 таси Scopus халқаро базасида индексланган ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, саккиз боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган манбалар рўйхати ва қисқартмалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми компьютер матнида 199 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, унинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объектлари ва предмети тавсифланган, ишнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, олинган маълумотларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти, натижаларни амалиётга жорий этиш масалалари, ишнинг апробацияси, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертация тадқиқотининг **"Тизза бўғими остеоартритини даволашнинг замонавий имкониятлари (адабиётлар шарҳи)"** деб номланган биринчи бобида тизза бўғими остеоартритининг (ТБОА) патогенези, диагностикаси, клиник таснифи, шунингдек, консерватив, жарроҳлик ва реабилитация усуллари бўйича даволаш масалаларига бағишланган маҳаллий ва хорижий манбаларнинг ҳар томонлама таҳлили келтирилган. Таъкидланишича, тизза бўғими остеоартрити катта ёшдаги аҳоли орасида сурункали оғриқлар ва ногиронликнинг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда. Даволашнинг алоҳида жиҳатларига бағишланган кўплаб нашрлар мавжуд бўлишига қарамай, замонавий адабиётларда касалликнинг босқичи, ёндош патологиялар ва узоқ муддатли прогнозни ҳисобга олган ҳолда шахсий даволаш тактикасини асослашга тизимли ёндашув йўқ. Бундан ташқари, мавжуд маълумотлар камдан-кам ҳолларда травматологлар, реабилитологлар, физиотерапевтлар ва оғриқни даволаш бўйича мутахассисларни ўз ичига олган кўп тармоқли қарашларни уйғунлаштиради. Бу ТБОА билан оғриган беморларни даволаш самарадорлигини ошириш ва

хаёт сифатини яхшилашга имкон берувчи клиник жиҳатдан асосланган алгоритмларни ишлаб чиқишга қаратилган кейинги илмий изланишларнинг зарурлигини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотининг **"Клиник кузатувлар ва тадқиқот усуллари**нинг умумий тавсифи" деб номланган иккинчи боби тизза бўғими остеоартрити билан оғриган беморларда танланма таркиби, клиник кузатув босқичлари, диагностика усуллари, лаборатория ва инструментал баҳолаш, шунингдек, даволаш самарадорлигини баҳолаш ёндашувларининг батафсил тавсифини ўз ичига олади. Экспериментал ва морфологик тадқиқотлар ўтказиш услубияти алоҳида ёритилган.

Тадқиқот 2015-2022 йилларда олинган маълумотларнинг ретроспектив-проспектив клиник таҳлилини қамраб олади ва беморларнинг бешта асосий гуруҳини ўз ичига олади. Биринчи гуруҳга Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида 18 ёшдан ошган шахсларда остеоартритнинг тарқалиши тўғрисидаги шахссизлаштирилган маълумотлар киритилган. Иккинчи гуруҳни идиопатик ёки жароҳатдан кейинги остеоартрит сабабли тизза бўғимини тўлиқ эндопротезлаш амалиёти ўтказилган 22 ёшдан 90 ёшгача бўлган (ўртача ёши $65,1 \pm 8,5$ ёш) 996 нафар бемор ташкил этди. Учинчи гуруҳга комплекс стационар консерватив даволаниш олган 136 нафар бемор кирди (ўртача ёши $64,1 \pm 11,8$ ёш). Тўртинчи гуруҳга тизза бўғимида артроскопик амалиётлар бажарилган 235 нафар бемор киритилди (ўртача ёши $45,4 \pm 15,8$ ёш). Бешинчи гуруҳ истиқболли бўлиб, 2022 йилда тизза бўғими артропластикаси ўтказилган 187 нафар беморни ўз ичига олди; уларнинг 40 нафарида қўшимча равишда олиб ташланган сон суяги дўнглигининг морфологик текшируви ўтказилди. Тажриба 180-250 грамм оғирликдаги 20 та Wistar линияси каламушларида ўтказилди.

"Ўзбекистон Республикасида остеоартритнинг тарқалиши ва уни статистик ҳисобга олишнинг ўзига хос хусусиятлари" деб номланган учинчи бобда тизза бўғими остеоартритини эпидемиологик таҳлил қилишнинг долзарблиги ҳар томонлама асослаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақдим этилган расмий маълумотларнинг ретроспектив таҳлили натижалари қайд этилган ОА билан касалланиш даражасида сезиларли минтақалараро фарқларни тасдиқлайди. 1-жадвалда 2022 йилда ҳудудлар кесимида касалланганлар сони ва ҳар 100 000 аҳолига нисбатан тузатилган кўрсаткичлар келтирилган.

1-жадвал

2022 йилда Ўзбекистон ҳудудларида қайд этилган остеоартрит билан касалланиш

Худуд	Ҳолатларнинг мутлақ сони	Аҳоли сони	Ҳар 100 минг аҳолига
Тошкент шаҳри	119 150	2 860 511	4165
Сирдарё	31 504	878 599	3586
Фарғона	65 832	3 896 393	1690
Андижон	54 127	3 253 501	1664
Қорақалпоғистон Республикаси	29 347	1 948 496	1506
Бухоро	29 773	1 976 866	1506
Хоразм	24 228	1 924 167	1259
Самарқанд	49 170	4 031 299	1220
Тошкент	32 401	2 941 620	1101
Наманган	31 229	2 931 066	1065
Қашқадарьё	29 333	3 408 313	861
Жиззах	11 565	1 443 380	801
Навойи	7 707	1 033 869	745
Сурхандарьё	19 960	2 743 196	728

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, ОА билан касалланишнинг энг юқори даражаси Тошкент шаҳрида қайд этилган - ҳар 100 минг аҳолига 4165 та ҳолат тўғри келади.


Бу ушбу ҳудудларда касалланиш даражасининг ошганлигини кўрсатмайди, аксинча соғлиқни сақлаш муассасаларининг яхшироқ жиҳозланганлиги, мутахассисларнинг юқори эҳтиёткорлиги ва диагностика усулларининг кенг қўлланилишини акс эттиради. Шу сабабли, пойтахт минтақасида ОАнинг юқори частотаси эпидемиологик оғиш сифатида эмас, балки касалликнинг тўғри аниқланиши кўрсаткичи сифатида талқин қилиниши лозим.

Диссертациянинг тўртинчи боби **"Тизза бўғими остеоартрити билан оғриган беморларни консерватив усуллар ёрдамида тикловчи даволаш" деб номланиб**, ушбу бобда Россия Соғлиқни сақлаш вазирлиги И.И.Мечников номидаги Шимоли-ғарбий давлат тиббиёт университети клиникаларининг Травматология ва ортопедия бўлимида 2015 йилдан 2019 йилгача тизза бўғимининг идиопатик ва жароҳатдан кейинги остеоартрити билан оғриган 31 ёшдан 88 ёшгача бўлган (ўртача ёши $64,1 \pm 11,8$) 136 нафар бемор тикловчи консерватив даволанишда бўлган беморлар келтирилган.

Барча 136 (100%) беморда ТБОА ни даволаш ва реабилитация қилишнинг номедикаментоз усуллари қўлланилган. Бу усуллар шикастланган бўғимларни юклама камайтиришга ва ҳаракат ҳажмини тиклашга қаратилган эди. Даволаш дастурларининг мажбурий қисми сифатида ДЖТ қўлланилган. Ҳозирги кунда ТБОАда юклама интенсивлигини ошириш даражаси, частотаси ва интервали бўйича ягона умумейтироф этилган стандарт ДЖТ дастурлари мавжуд эмас. Даволаш дастурида И.И.Мечников номидаги СЗГМУ Травматология ва ортопедия клиникасида қабул қилинган схема бўйича

жисмоний машқлар қўлланилди. Остеоартрит билан оғриган беморларда ҳаракат амплитудаси, чўзилиш, мушакларни мустақкамлаш (изометрик ва изотоник) машқлари қўлланилади. Барча тайинланган даволаш жисмоний тарбия дастурлари беморнинг ёши, тана вазни индекси, ҳамроҳ касалликлари, ТБОАнинг оғирлик даражаси ва бошқа омилларга қараб индивидуаллаштирилиб тузилди.

ТБОАни 6 йилгача бўлган муддатларда жарроҳликсиз даволашнинг функционал натижаларини клиник баҳолаш WOMAC шкаласи бўйича амалга оширилди (1-расм).



Расм 1. ТБОАни жарроҳликсиз даволашдан кейин функционал натижаларни сақлаб қолиш хавфини баҳолашнинг ўзгариш графиги.

ТБОАни жарроҳликсиз даволашдан кейин аъло ва яхши функционал натижалар кузатувнинг 5 йилига келиб 57,4% дан 50,3% гача пасайди, бу статистик жиҳатдан аҳамиятсиз ($p > 0,05$).


ТБОАни жарроҳликсиз стационар даволашнинг беш йиллик натижаларини бутун гуруҳ бўйича ($n=153$) ўрганиш шуни кўрсатадики, аъло ва яхши функционал натижалар қониқарли ва қониқарсиз натижалар билан 1:1 нисбатда (тизза бўғимини эндопротезлашда бу кўрсаткич 6:1 ни ташкил этади).

Тадқиқотда олинган ТБОА билан оғриган беморларни тикловчи даволаш натижалари бўйича маълумотлар бундай беморларни даволашга мультидисциплинар ёндашув алгоритминини ишлаб чиқиш имконини беради.

Диссертациянинг бешинчи боби "**Тизза бўғими остеоартритини жарроҳлик йўли билан даволаш натижалари**". И.И.Мечников номидаги Шимоли-Ғарбий давлат тиббиёт университети Травматология ва ортопедия клиникасида 2015 йилдан 2019 йилгача (шу жумладан) идиопатик ёки травмадан кейинги остеоартрит сабабли тизза бўғимини эндопротезлаш (ТБЕ) 22 ёшдан 90 ёшгача бўлган 996 беморда (ўртача ёши $65,1 \pm 8,5$ ёш) амалга оширилди. Операциядан кейинги эрта даврда ўлим ҳолатлари кузатилмади.

Операция пайтида ва операциядан кейинги дастлабки муддатларда бир қатор беморларда маҳаллий асоратлар ривожланган: гематома, лимфорея, ИОХВ, эндопротез имплантация қилинган жойда суяк синиши, тизза бўғими боғламларининг шикастланиши.

ASA I аниқланганида коморбидлик даражаси паст, ASA II – ўртачадан паст; ASA III аниқланганида – ўртачадан юқори; ASA IV да эса коморбидлик даражаси юқори деб белгиланди. Тизза бўғимига эндопротез қўйилган беморлар орасида ASA III ва ASA IV билан 377 нафар (37,9%) бемор мавжуд эди.



Расм 2. Тизза бўғимига эндопротез қўйилгандан кейин 5 йил давомида ҳаёт сифатини баҳолашнинг аъло ва яхши натижаларининг умумий эгри чизиғи.

Кузатувнинг бешинчи йили охирига келиб бу кўрсаткич 0,77 (0,71;0,83) даражасида бўлган.

2-расмда тизза бўғими артропластикасидан кейин беморларнинг 5 йил давомидаги ҳаёт сифатининг аъло ва яхши натижаларининг умумий эгри чизиғи кўрсатилган.

Ҳаёт сифатининг (ХС) аъло ва яхши натижалари кўрсаткичи кузатувнинг бешинчи йили охирига келиб 96% дан 0,771 гача пасайган. Бу ХС ижобий баҳоланган беморларнинг 77,1% ини ташкил этган. Қониқарли ва қониқарсиз ҳаёт сифати 22,9% беморларда қайд этилган.

ТБОАга чалинган беморларда коморбидлик даражаси операциядан олдинги кўрикда анестезиолог-реаниматолог томонидан тақдим этилган маълумотларга асосан аниқланган.

Икки йилдан сўнг усуллар орасидаги фарқ камай бошлаган: артроскопия гуруҳида яхши натижалар 67,2 фоиз беморларда, ЭКС гуруҳида эса 86,0 фоиз беморларда сақланиб қолган. Қониқарли ва қониқарсиз натижалар мос равишда 12,8 фоиз ва 14,0 фоиз ҳолларда қайд этилган.

Кузатувнинг учинчи йилида (фақат ЭКС маълумотлари бўйича) аъло ва яхши натижалар 78,5 фоиз беморларда, қониқарсиз натижалар эса 21,5 фоиз беморларда қайд этилган. Бешинчи йилда ижобий натижалар улуши 77,1 фоизгача камайди, беморларнинг 22,9 фоизи эса қониқарли ва қониқарсиз натижаларга эга бўлган.

Шундай қилиб, ўрганилган гуруҳларнинг ҳар бирида (артроскопик усуллар ва тизза бўғимини эндопротезлаш) даволаниш курсидан сўнг ОКСА билан оғриган беморлар сонининг сезиларли даражада ошганлиги ва уларнинг функционал натижалари аъло ва яхши бўлганлиги қайд этилган.

ЭКС дан фарқли ўлароқ, артроскопик (аъзони сақловчи) ва консерватив даволаш усулларини бир неча бор такрорлаш мумкин. Бу усуллар натижа бермаган тақдирда артропластикани қўллаш мақсадга мувофиқдир. Шундай

бўлса-да, ҳозирги вақтда кўплаб тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, тизза бўғимини эндопротезлаш консерватив даволаш усуллари ва аъзоларни сақлаб қолувчи операциялар имкониятларидан фойдаланмасдан, вақтидан илгари кўлланилмоқда.

Диссертациянинг олтинчи боби **"Остеоартритда тизза бўғими ҳолатининг морфологик текшируви"**. 2022 йил 1 январдан 2022 йил 15 декабргача клиникада тизза бўғими остеоартрити билан оғриган 187 нафар беморга тизза бўғими эндопротезлаш амалиёти ўтказилган. Тирик пайтидаги патоморфологик текширув учун материаллар 40 ёшдан 78 ёшгача бўлган 40 нафар бемордан (28 нафар аёл, 12 нафар эркак) тасодифий танлов усули билан олинган.

Микропрепаратларни ўрганиш жараёнида тизза бўғими остеоартритининг бошланғич босқичлари, шунингдек, 2 ва 3-босқичдаги остеоартрит ҳолатлари аниқланган.

